

ШАРТНОМА №152339

(машина –механим ва автотранспорт хизматини
кўрсатиш ҳақида)

Лот- 22110012152339

Яккабоғ шаҳри.

“30” сентябрь 2022 й

Бир томондан “Яккабоғ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” унитар икорхонаси номидан низом асосида иш юритувчи директори Қ.Ю. Махкамов келгусида “Буюртмачи” деб номланади, ва иккинчи томондан “МУВОРАКАВТОТЕХТРАНС МЧЖ” келгусида “Бажарувчи” деб юритилувчи ўз нозомига кўра фаолият кўрсатувчи корхона раҳбари Гайрат Алиқулов ўзаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 “Бажарувчи”, “Буюртмачи” буюртмасига кўра машина механизм ва автотранспорт хизматини кўрсатади. “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1 “Буюртмачи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Обьектда автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш даврида, техник масалаларни, ҳар хил камчиликларни ҳал қила оладиган, кўрсатилган юк-транспорт – варах (ТТН)ларни текшириб чиқадиган жавобгар шахсни тайинлайди.

б) “Буюртмачи” автотранспорт ва машина механизм ажратиш учун камида бир кун олдин олдиндан оғзаки ёки ёзма талабнома беради, ёхуд томонлар махсус келишган усул асосида хизматларни бажарилишини талаб филади, ва ушбу хизматлар учун пул маблағларини тўлайди.

в) Ишлаб чиқариш ёки автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш пайтида зарурат туғилса “Буюртмачи” “Бажарувчига” ўзини захирасида бўлган , ёки учинчи шахсдан олган холда,

ёнилғи мойлаш материаллари, озик –овқат, техникаларни қўриқлаш хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга ва “Бажарувчи” ушбу ёнилғи мойлаш материаллар озик-овқат, техникаларни қўриқлаш хизмати,эҳтиёт қисмлар нархини “Буюртмачи” томондин тақдим этилган ҳисоб варақалар асосида уч иш кун ичида қабул қилиб, белгиланган тартибда расмийлаштириб, кейинчалик ўз ҳисобидан кўрсатган автотранспорт ва машина механизм хизматлари ҳақида айриб “Буюртмачи” билан ўзаро ҳисоб –китоб қилишлари шарт.”Буюртмачи ” техника туриб қолишига мулкый жавобгар бўла олмайди. Техника ва механизмларни қўриққлаш мажбуриятини “Бажарувчи ” ўз зиммасига олади.

2.2 “Бажарувчи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Обьектда ишларни бажариш ҳамда автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш даврида техник, ёнғин ҳаракат хавфсизлиги қодаларига,юк ташишда

белгиланган маршрутдан четга чиқишларга, ҳар қандай қонунчилик меъёрларидан четга чиқишларга тўла жавоб беради.

б) “Буюртмачи” буюртмасига асосан техник жихатдан соз ва бутун машина-механизм ҳамда автотранспорт воситаларни ажратади ва буларга жавобгар шахсни тайинлайди.

в) “Буюртмачи” буюртмасини ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

г) “Бажарувчи” ўз механизатор ва ҳайдовчиларига хизмат ҳақи, ёнилғи-мой махсулотлари, озиқ-овқатлар, техник кўрик ва қаров ишлар хизмати, эҳтиёт қисмлар билан тامينлайди.

д) “Бажарувчи” бажарилган хизматлар учун ҳақини жорий йилнинг бошида олинган эксперт хулосаси асосида асослаб беришни, ҳамда хизмат ҳақига бошқа киритилган кўшимча чиқимларини келиб чиқишини расмий ҳужжат билан асослаб бериш мажбуриятини олади, акс ҳолда “Буюртмачи” талабномада ва асл келишувда назарда тутилмаган кўшимча чиқимларни ушбу кўшимча чиқим ва харажатларини кейинчалик тўлаб бермасликка ҳақлидир.

е) Мазкур шартнома расмийлаштириш даврида ва кейинчалик хизматлар кўрсатилаётган пайтда “Бажарувчи” ушбу шартнома шартларини тўлиқ бажаришга етарли рухсат (лицензия) ҳужжатларига эгалигини, ва хизматларини бажаришга бошқа тўсқинлик йўқлигини, шартнома имзолашга мансабдор шахснинг ҳуқуқи борлигини, ҳисоб-китоблар аниқ бўлишини, шунингдек шартномага керакли иловалар тўғрилигини ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ.

3.1 Шартномани тахминий қиймати амалдаги нарҳда тахминан **41422019** “Қирк бир миллион тўрт юз йигирма икки минг ун туккиз ” сўмни ташкил этади.

3.2 Шартнома қиймати очиқ ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан чиқарилган қарорлар ва норматив ҳужжатларга асосланиб ўзгариши мумкин.

3.3 Кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳисоблаш учун лойиҳавий нарҳлар асос қилиб олинади.

4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1 “Буюртмачи” тасдиқланган бирламчи ҳужжатларга (ТТН, маълумотномага) асосан “Бажарувчи” реестр тузади ва “Буюртмачи”га ҳар ойнинг 30-санасигача ҳисоб- фактура орқали тўловга тақдим қилинади.

4.2 “Буюртмачи” “Бажарувчи” нинг ёзма талаби бўйича ойлик кўрсатилган ҳажмидан келиб чиқиб 30% олдиндан тўловни амалга оширади.

4.3 “Буюртмачи” бажарилган ишлар учун тўлов сўммасини “Бажарувчи ” томонидан хизмат кўрсатилаётган объект бўйича “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКдан пул маблағларини олгандан сўнг, тасдиқланган ҳужжатларга асосан “Бажарувчи”га ”бошқа харажатларсиз” тўлаб берилади.

4.4 Ҳар ойда бажарилган ишлар умумий қийматидан 5 фоиз миқдорида маблағ, “Бажарувчи” томондан хизмат кўрсатилаётган ҳар бир объект давлат комиссия томонидан қабул қилиниб ўн икки ой кафолат муддати ўтгангача “Буюртмачи”да ушлаб қолинади. Ушбу 5 фоизлик кафолат маблағлари “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК томонидан “Буюртмачи”нинг ҳисоб-

рақамига кўчириш йўли билан амалга оширилгандан сўнг “Бажарувчи”га тўлаб берилади. Агар “Бажарувчи” ушбу 5 фоизлик пул маблағини талаб қилса, бу ҳолда “Бажарувчи” томондан хизмат кўрсатилаётган ҳар бир объект давлат комиссияси томонидан қабул қилинганлиги ва қафолат муддати ўтганлигини “Бажарувчи” томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан исботланиши шарт.

4.5 “Бажарувчи” бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисоб-фактураларни ҳар ойнинг 30- санасигача “Буюртмачи”га етказилишини таъминланиши шарт. Агар ҳисоб-фактуралар биронта бир сабабларга кўра кечикиб тақдим этилган бўлса, бу ҳолда ушбу ҳисоб-фактураларга “Буюртмачи” томонидан амалда имзоланиб қабул қилинаётган санаси ёзилади ва ҳисоб-фактуралар кечикиб етказилиши шартноманинг 4.2- бандида назарда тутилган тўловни амалга оширишни кечиктиришга асос бўлади.

5. ТОМОНЛАРНИ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Томонлардан бири ўз мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса мулкий жавобгар ҳисобланади ва натижада келтирилган зарарни қоплаб беради. Буюртмачи: Ишлар хизматлар ҳақини “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини куриш вареконструкция қилишдирекцияси” ДУКдан маблағ олиб, лекин тўламаганда, кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сўмманинг 0,4 фоизи, аммо кечиктирилган сўмманинг 10%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.2 Бажарувчи: Хизматларни бир қисмини кўрсатиб, қолган қисмини кўрсатмаган ҳолларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи, аммо кўрсатилмаган хизмат сўмманинг 10% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Агар “Бажарувчи” ушбу шартнома асосида хизмат кўрсатишга бунақ пулини олган бўлса, лекин бир томонлама бош тортиб ишларни умуман бажармаган ёки хизматларни умуман кўрсатмаган бўлса, “Буюртмачига”га ушбу шартнома умумий қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИНИШИ.

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва “31” декабр 2022 йилга қадар амалда бўлади.

6.2 Шартнома кучини юкотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни якунига етказиб ҳал қилиш учун таъсир қилмайди.

Шартномани ўзгартириш, қўшимча киритиш томонларни ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

6.3 Агар лойиха –смета ҳужжатларида нарх ўзгарса шартноманинг келишув баённомасидаги нархлар ҳам ўзгартирилади.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ.

7.1 Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда қилиниши мумкин: “Буюртмачи” тўловларни амалга оширишга бир йилдан ошиқ муддатда кодир бўлмай қолганда; “Бажарувчи” шартномада кўрсатилган хизматларини ўз вақтида ёки керакли ҳажмида бажармаслиги оқибатида,” Буюртмачи”га ушбу хизматларини аҳамияти қолмаганда; Объект

консервация қилинганда; Форс-мажор ҳолатлари вужудга келганда. Ўзаро икки томон келишуви асосида.

8. БОШҚА ШАРТЛАР.

8.1 Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиққан низолар раҳбарият томонидан оғзаки ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

8.2 Ўзаро келиша олинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида Тошкент туманлар аро иқтисодий судида ҳал этилади.

9, ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«БАЖАРУВЧИ»

МУБОРАКАВТОТЕХТРАНС МЧЖ

ИНН: 301325646

ОКЭД: 46730

Х/Р : 20208000404803317001

Банк: Бош офис Кишлоқ Қурилиш банк

МФО: 01037

Чирокчи туман Чоштепа МФЙ


Г.Аликулов

«БУЮРТМАЧИ»

Яккабоғ туман йуллардан фойдаланиш УК

ИНН: 200708679

ОКЭД: 42110

Ш/Р 4700 1086 0102 5070 4519 311 8001

Ўз .молия вазирлик Газначилик бошқармаси

23402000300100001010

Тошкент Марказий банк


МФО: 00014

ИНН: 201222919

Яккабоғ туман Саховат 5 уй


К.Махкамов



 Н. Нуроев.

Илова №_1_
№_152339 -сонли келишувга
“30” сентябрь 2022 йил

Б А Ё Н Н О М А

Автотранспорт, махсус машиналар ва механизмлар хизматларини тақдим этиш бўйича шартнома нархлари.

Буюртмачининг номидан имзо қўйувчи Яқкабоғ ТИФУК директори Қ.Махкамов Пудратчи номидан “MUBORAKAVTOTEXTRANS МЧЖ” директори Гайрат Аликулов шартнома бўйича, транспорт (махсус техника) хизматлари нархи тўғрисида келишувга эришганини тасдиқлаймиз.

1. Автотранспорт русуми: Бульдозер
2. Автотранспорт русуми: Юклагич

№	Автотранспорт русуми	Машина соат	Нархи
1	2	3	4
1	Бульдозер	Машина соат	172500
2	Юклагич	Машина соат	234084.91

Ушбу тўловларга Буюртмачи “Пудратчига” 15% ҚҚС харажатларини тўлайди. (ҚҚС тўловчи бўлса)

Ушбу баённома Пудратчи ва Буюртмачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар учун асосдир.


Буюртмачи:



Яқкабоғ ТИФУК
директори:

Қ.Махкамов

Пудратчи:



MUBORAKAVTOTEXTRANS МЧЖ
директори: Г.Аликулов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Яккабоғ ТЙФУК директори:

Қ. Махкамов



30 09 2022 йил

Яккабоғ шахри

Яккабоғ туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасида бажариладиган йул курилиш объектларида Бульдозер ва юклагич машина механизмларни ишлатиш учун танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси КУК раиси:

У.Файзиев

АЪЗОЛАРИ:

ПТО бошлиги:

Ю.Абдиев

Бош механик:

О.Тохиров

Бош мутахасис:

У.Амируллаев

Иктисодчи:

С.Худойбердиев

Кун тартибидаги қурилган масала

Ташкилот қуриш ишларини бажаришда Бульдозер ва юклагич машина механизмларни ишлатиш учун 2022 йил сентябрь ойида етказиб берувчи ташкилотлар билан шартнома қилиш ва шартнома тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия томонидан конкурсда қатнашган томонларни таклифларини қуриб чиқиб бажариладиган йул курилиш объектларида Бульдозер ва юклагич машина механизмларни ишлатиш учун 2 та хусусий корхона қатнашганини эълон қилади улар қуйидагича.

Танлов конкурс буйича 2022 йил 27 сентябрь кунида соат 09:14да №22110012152339-сонли пратакол эълон қуйилган кийин 2 та ташкилот узини таклифлари билан қатнашди ва юкори балл MUBORAKAVTOTEXTRANS МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошка эътирозлар бўлмагандан кийин MUBORAKAVTOTEXTRANS МЧЖ билан шартнома имзоланди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. MUBORAKAVTOTEXTRANS МЧЖ голиб деб топилсин.
2. MUBORAKAVTOTEXTRANS МЧЖ томонидан тавсия қилинган бажариладиган йул курилиш объектларида Бульдозер ва юклагич машина механизмларни ишлатилишини бажариш учун ПТО бошлиги Ю.Абдиев зиммасига топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Ф.Остонов зиммасига юклансин.

Комиссия раиси:

АЪЗОЛАРИ:

ПТО бошлиги:

Бош механик:

Бош мутахасис:

Иктисодчи:

У.Файзиев

Ю.Абдиев

О.Тохиров

У.Амируллаев

С.Худойбердиев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUBORAKAVTOTEXTRANS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning -- tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUBORAKAVTOTEXTRANS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxaldan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.09.2009

1157

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil).

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

301325646

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Chiroqchi tumani, Chiroqchi, Choshtepa ko'chasi 2-
qator 15 uy,

Guvohnoma:

Qashqadaryo viloyati, Chiroqchi tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxaldan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)

